

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Республика ихтиёсётлаштирилгай  
травматология ва ортопедия жөмий-  
амалий тиббиёт маркази Самарқанд  
филиали директори

Маматкулов О.Х.

**Марказ биносини “Текущий ремонт здания Травмотологической  
ортопедической больницы в г.Самарканде” жорий таъмираш  
комиссияси йиғилиш**

**БАЁНИ**

Самарқанд шахри

2022 йил 13-июнь

Комиссия раиси

О.И.Салоҳий

Иштирок этган комиссия аъзолари:

О.Абдуллаев

- Комиссия аъзоси. Комиссия раиси  
уринбосари. Марказ директорининг  
хўжалик ишлари бўйича директор  
уринбосари

Б.Каримов

- Комиссия аъзоси. Иқтисодчи

Г.Садинова

- Комиссия аъзоси. Дорихона мудираси

С.Алмамедова

- Комиссия аъзоси. Бош хамшира

Ф.Расулова

- Котиба. Кадрлар бўлими  
нозири

**КУН ТАРТИБИ:**

Марказ биносини жорий таъмираш бўйича ўтказилган энг яхши  
таклифни танлаб олиш бўйича.

Марказ томонидан 2022 йил 01-июнь куни Ўзбекистон Республикаси  
товар ва хом-ашё биржасининг (<https://etender.uzex.uz/>) электрон порталига  
Марказ биносини (“Текущий ремонт здания Травмотологической  
ортопедической больницы в г.Самарканде”) жорий таъмираш бўйича  
№22110012096936-сонли лот рақами билан энг яхши таклифни танлаб олиш  
учун эълон жойлаштирилган. Мазкур лот бўйича 2022 йил 08-июнь куни энг  
яхши таклифни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари  
комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Текущий ремонт  
здания Травмотологической ортопедической больницы в г.Самарканде”

баённомасига асосан танлов якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан МЧЖ “*ISTIQLOL UNITED GROUP*” корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

### ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Узбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунинг 62-моддаси 3-бандига асосан танлов комиссияси баённомаси давлат ҳаридлари электрон тизимида мухокама килиш учун икки иш куни жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат ҳаридлари электрон тизимида жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки кўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### 2. *Марказ боши ҳисобчиси Ж.З. Умарога*

Юкоридагилардан келиб чиқиб ҳамда танлов комиссия аъзоларининг 2022 йил 8-июндаги электрон баённомасига асосан ғолиб деб топилган МЧЖ “*ISTIQLOL UNITED GROUP*” корхонаси билан конунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

#### 3. *Марказ хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари комиссия раиси ўринбосари Облоқул Абдуллаевга:*

МЧЖ “*ISTIQLOL UNITED GROUP*” корхонаси билан конунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилиб, шартнома Ғазначилик органидан рўйхатга ўтган кундан бошлаб жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида сифатли даража бажарилишини доимий назоратга олсин ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномаларини тузсин.

1. Комиссия раиси
2. Комиссия аъзоси. Комиссия раиси ўринбосари. Марказ директорининг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари
3. Комиссия аъзоси. Иқтисодчи
4. Комиссия аъзоси. Дорихона мудираси
5. Комиссия аъзоси. Бош ҳамшира
6. Котиба. Кадрлар бўлими нозири

О.И.Салохий



О.О.Абдуллаев  
Б.Э.Каримов  
Г.М.Садинова  
С.Қ.Алмамедова  
Ф.Расулова

Самарқанд ш.

«13» июнь 2022 йил

"ISTIQLOL UNITED GROUP" ООО корхонаси кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Узининг Низоми асосида иш юритувчи Турдиев Бекзод Шукруллаевич номидан, бир томондан ва Республика Ихтисослаштирилган Травматология ва Ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, узининг Низоми асосида иш юритувчи бош врачи О.Х.Маматкулов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар хақида туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Текущий ремонт здания Травмотологической ортопедической больницы в г.Самарканде (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва кийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. "Ишлар"нинг аник турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Текущий ремонт здания Травмотологической ортопедической больницы в г.Самарканде.	359 981 534	349 180 500
	Жами (ҚҚС сиз)		303 635 217,4
	Жами (ҚҚС 15%)		45 545 282,6
	Жами (ҚҚС билан)		<b>349 180 500</b>

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **349 180 500,00** (Уч юз қирқ тўққиз миллион бир юз саксон минг беш юз) сўм 00 тийинни ташкил қиласди.

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: "13" июнь 2022 йил, тугаши: "31" декабрь 2022 йил.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;

- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

#### 2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

#### 2.3. «Бажарувчи» қўйидаги ҳуқукларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳак тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

#### 2.4. «Бажарувчи» қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин таъмиirlab бериш.

### **III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **349 180 500,00** (Уч юз қирқ тўккиз миллион бир юз саксон минг беш юз) сўм 00 тийинни ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда хисоб-китоб килинади.

3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Самарқанд вилояти бўйича Газначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида конунчиликка мувофик контракт умумий суммасидан 30% микдорида (шартнома суммасининг 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 70% ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул килиш далолатномаси, хисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳаклиdir.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрни тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу максадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома

"Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилинади "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да коладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгаришишга ҳаклиdir, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор килади.

### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини хисобга олган ҳолда қайта хисоб-китоб қиласди, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри хисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажрилмаслиги натижасида етказилган заарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечикирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган заарлар копланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вактида ҳақ тўланмагандан "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида маҳсус хисобракамидан пења тўлайди, бирок бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юкори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «13» июндан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сунг қонуний кучга киради.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛ

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий хисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «Бажарувчи»

#### "ISTIQLOL UNITED GROUP" ООО

(наименование подрядной организации)  
Адрес: Пайариқ тумани Мадания МФЙ Вали қ-к

Тел./факс:  
р/сч. 20208000905119808001  
Банка: АТ "Халқ банки" Пайариқ филиали  
МФО: 100000000000196691220  
ОКПД2:



Руководитель: Б.Д. Тұраев  
Юрист: \_\_\_\_\_  
Гувохнома № \_\_\_\_\_  
от \_\_\_\_\_

### «Буюртмачи»

#### РИТ ва ОИАТМ СФ

Манзил: Самарканд ш Қози Зода Румий куча №73  
Тел./факс 66 240 15 25  
ш/ҳ\* 400321860184017073201054004

бюджетдан маблаг олувчи СТИРи 201842520  
ОКПО 86100 МФО: 00014  
Самарканд вилоят бўйича Ғазначилик бошкармаси  
Ғазна х/в 23402000300100001010  
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент Шахар ХКМ  
МФО: 00014 СТИРи 201122919

Руководитель: О.Х. Маматкулов  
Юрист: У.А. Давронов  
Лицензия (диплом) № берилган  
санаси: йил